

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕКИМБЕТОВ РУСЛАН ТУРСИНБАЕВИЧ

**НУКУС ШАҲРИ ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛАРИДА БИНО ВА
ИНШООТЛАР ПОЙДЕВОРЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАРИНИ МУҲАНДИС-ГЕОЛОГИК АСОСЛАШ**

04.00.04 - Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бекимбетов Руслан Турсинбаевич

Нукус шаҳри шўрланган грунтларида бино ва иншоотлар
пойдеворларини лойиҳалашнинг ўзига хосликларини
муҳандислик-геологик асослаш.....3

Бекимбетов Руслан Турсинбаевич

Особенности инженерно-геологического обоснования
по проектированию фундаментов зданий и сооружений
на засоленных грунтах города Нукуса.....21

Bekimbetov Ruslan Tursinbaevich

Features of designing foundations of buildings and
structures on saline soils of the city of Nukus.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

БЕКИМБЕТОВ РУСЛАН ТУРСИНБАЕВИЧ

**НУКУС ШАҲРИ ШЎРЛАНГАН ГРУНТЛАРИДА БИНО ВА
ИНШОТЛАР ПОЙДЕВОРЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИКЛАРИНИ МУҲАНДИС-ГЕОЛОГИК АСОСЛАШ**

04.00.04 - Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида–V2022.3.PhD/Г3012 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.hydroengeo.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аимбетов Иззет Каллиевич
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Қаюмов Абдубаки Джалилович
техника фанлари доктори

Тошхўжаев Алишер Улхўжаевич
техника фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru).

Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.А.Бакиев

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш раиси,
г.-м.ф.д., профессор

М.Р.Жўраев

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби,
г.-м.ф.ф.д. (PhD)

И.Х.Хабибуллаев

Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш қошидаги
бир марталик илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг курғоқчил мамлакатларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик тупроқ-грунтларнинг шўрланишига сабабчи бўлади, бу эса мамлакат иқтисодиётига сезиларли даражада зарар етказди ва турли соҳаларда, шу жумладан муҳандислик геологияси ва қурилиш соҳасида жаҳон илмий жамоатчилигининг алоҳида эътиборини жалб қилади. Муҳандислик ечимлари бўйича ноёб бўлган баланд бино ва иншоотлар, ер ости қурилишлари ҳамда, йирик саноат объектлари қурилишининг ортиб бориши, бу иншоотларни жойлаштириш, табиий шароитларга мувофиқ тарзда амалга ошириш усуллари бўйича энг мақбул лойиҳавий ечимларни танлаш, ноқулай муҳандислик-геологик жараёнларни башоратлаш, шунингдек уларга қарши курашиш чора-тадбирларини танлаш, муҳандислик-геологик изланишларга оид лойиҳаларни тузиш масалалари жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида долзарб бўлиб, катта илмий ва амалий аҳамиятга эга деб ҳисобланади.

Жаҳонда бино ва иншоотлар пойдеворини лойиҳалашнинг ўзига хослигини муҳандислик-геологик асослаш билан боғлиқ бўлган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада шўрланган грунтларда қуриладиган бино ва иншоотларнинг чидамлилиги ва мустаҳкамлигини ошириш; грунтларнинг физик-механик хоссаларига тузлар таъсирини ва шўрланишнинг қурилиш материалларига салбий таъсирини аниқлаш; бино, иншоотларнинг ер ости қисмини агрессив тузлар таъсиридан ҳимоялаш; шўрланган грунтларнинг механик хоссаларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш; шўрланган ҳудудларни районлаштириш; шўрланган грунтларда бино ва иншоотларни ишончли лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда қатор бино ва иншоотларни пойдеворини лойиҳалаштирилаётган регионлар учун муҳандислик-геологик ва гидрогеологик шароитларини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натажаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида “...шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш...”¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада тадқиқот ҳудудини муҳандислик-геологик хусусиятларини ва ер ости сувлари ҳолати ўзгаришини баҳолаш, грунтларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш, майдонни муҳандислик-геологик районлаштириш, бино ва иншоотлар пойдеворини лойиҳалашнинг муҳандислик-геологик асослаш бўйича ҳудудни районлаштириш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”, 2017 йил 18-январдаги ПФ-2731-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

“Оролбўйи минтақасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида” ги фармонлари, 2021 йил 8 майдаги БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги таклиф этилган махсус резолюциясида, ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII “Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шўрланган тупроқларда бино ва иншоотлар қуриш муаммоларини ҳал қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар дунёнинг таниқли илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан кенг ўрганилган. Жумладан: тузларни грунтларнинг физик-механик хоссаларига таъсир қилиши ва тузлар ер ости бетон конструкцияларини вақтидан олдин емирилиши бўйича масалалар билан хорижий давлатларнинг E.E.Alonso, S.Olivella, K.H.Lux, Z.Hou, W.G.Liang, C.H.Yang, Y.S.Zhao, E.Agudo, F.Mees, P.Jacobs, M.Angeli, J.P.Bigas, D.Benavente, F.Netterberg, P.Loudon, T.Schulze, H.K.Popp, Trevor F., P.W.Mayne, W.Wu, C.H.Yang, Z.Hou, S.A.Naeiny, M.A.Jahanger, A.Monshi, Б.Б.Бакенов, Н.В.Бойко, У.Р.Джумашев, З.Г.Тер-Мартиросян, В.П.Петрухин каби олимлари ва муҳандис-геологлари шуғулланганлар. Ўзбекистонда Г.А.Мавлянов, Е.Д.Рождественский, Л.Б.Смолина, С.М.Касымов, И.К.Аимбетов, А.Д.Каюмов, Л.З.Шерфетдинов, И.А.Агзамова, Р.М.Худойкулов ва бошқалар тамонидан олиб борилган, тадқиқотлар натижасида Нукус шаҳри худуди учун муҳандис геологик ва гидрогеологик шароитларни моделлаштириш технологияси ишлаб чиқилган, Қорақалпоғистоннинг шўр грунтларида бино ва иншоотлар пойдеворларни лойиҳалаш мезонлари белгиланган.

Эришилган илмий натижаларга қарамасдан, соҳада ечими топилмаган қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, аввалги йиллардаги муҳандислик-геологик ва гидрогеологик тадқиқотларининг далилий маълумотлари, уларни чуқур таҳлил қилиш ва бугунги кунда кечаётган жараёнлар ҳақида янги тасавурларни олиш етарли эмас. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб муҳандислик-геологик жараёнларни баҳолаш учун қўшимча илмий изланишларни давом эттириш талаб этилади. Бу борада тадқиқот ҳудудини муҳандислик-геологик хусусиятларини ва ер ости сувлари ҳолати ўзгаришини баҳолаш, грунтларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш, майдонни муҳандислик-геологик районлаштириш, қурилишлар пойдеворини муҳандислик-геологик асослаш учун қулайлилик даражаси бўйича худудни районлаштириш мазкур масалаларни ечишга имкон беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Қорақалпоғистон грунтларининг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш. Қорақалпоғистоннинг шўрланган грунтларида бино ва иншоотларни қуриш учун муҳандислик-геологик асосларни яратиш” (2021-2023); ФА-Атех-2018-62 “Жанубий Оролбўйи табиий ва сунъий кўллари тўғонларини ишончли лойиҳалаш, қуриш ва хавфсиз ишлатиш учун муҳандислик-геологик илмий асосларини ишлаб чиқиш (Майпост кўли мисолида)” (2018-2020) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотлар мақсади. Нукус шаҳрининг шўрланган грунтларида биноларни ишончли қуриш ва фойдаланишнинг муҳандислик-геологик илмий асосларни ишлаб чиқиш, шунингдек грунтларнинг ўзига хос хусусиятлари ва физик-механик хоссаларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Нукус шаҳри грунтлари ва грунт сувларининг шўрланишини компьютерда ГАТ схематик-хариталарини тузиш;

Нукус шаҳри литологик кесимларини қуриш, тасмасимон пойдеворларнинг чўкишини, қозикли ва тасмасимон пойдеворларнинг юк кўтариш қобилиятини кўрсатувчи хариталарни компьютер ГАТ да тузиш;

PLAXIS компьютер дастури ёрдамида қурилиш чўкмаларини ҳисоблаш ва қурилиш жараёнида бинонинг чўкишини тўлиқ миқёсда кузатиш;

Нукус шаҳрининг гидрогеологик шароитларига гидрографик тармоқларнинг таъсирини баҳолаш ва ер ости сувлари сатҳини пасайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Нукус шаҳри қурилган иншоотларнинг чўкиши, шўрланган грунтлар ва ер ости сувларининг шўрланиши олинган.

Тадқиқотнинг предмети Нукус шаҳри грунтларининг шўрланганлик даражасини ва физик-механик хусусиятларини, шўрланган грунтлар ва ер ости сувларининг бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаларига таъсирини баҳолаш, ҳамда шўрланган грунтларда бино ва иншоотлардан бехатар фойдаланишни таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда муҳандислик-геологик ва гидрогеологик изланишларнинг анъанавий дала ва лаборатория усуллари, маълумотларни назарий умумлаштириш ва тизимли таҳлил қилиш усуллари, жумладан, компьютерли ГАТ-технологияларни қўлланган ҳолда биноларнинг чўкиши юзасидан кузатувлар олиб бориш, грунтлар таркиби ва уларнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш, ҳудудларни муҳандислик-геологик хариталаш, бино ва иншоотлар пойдеворларини юк кўтариш қобилиятини ҳисоблашда қўлланиладиган рақамли ва аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Нукус шаҳри ҳудуди грунтларининг бетонга нисбатан агрессивлик даражасига кўра муҳандислик-геологик районлаштириш амалга оширилган ҳамда грунт сувлари ва грунтларнинг шўрланишини схематик ГАТ хариталари тузилган;

Нукус шаҳрининг муҳандислик-геологик шароитлари учун қоқилган қозикли пойдеворларнинг узунлиги ва юк кўтариш қобилиятининг экспериментал корреляцион боғлиқлиги аниқланган, Нукус шаҳри тасмасимон ва қоқилган қозик пойдеворларининг ГАТ - технологияларидан фойдаланган ҳолда юк кўтариш қобилиятининг схематик хариталари тузилган;

Нукус шаҳрининг муҳандислик-геологик шароитлари учун биринчи марта тасмасимон ва “плита” пойдеворларининг мақбул ўлчамларини қабул қилишни PLAXIS компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда асосланган;

Биринчи марта PMWIN 5.3 компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда Нукус шаҳрининг гидрогеологик шароитларига Дўстлик канали ва Ачикўл кўлининг таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бино ва иншоотларнинг бетонли ер ости конструкцияларига таъсир кўрсатиши бўйича грунтларнинг агрессивлик даражасини белгиловчи грунт сувлари сатҳигача бўлган шўрланишининг ГАТ схематик хариталари тузилган;

Нукус шаҳрининг 1 м чуқурликда жойлашган грунтининг ҳисоблаб топиладиган босимга қаршилигини ГАТ схематик хариталари тузилган;

бино ва иншоотларнинг ер ости бетон конструкцияларга агрессив таъсир кўрсатиш даражасини ифодаловчи ер ости сувларининг шўрланганлигининг ГАТ схематик хариталари тузилган ва Нукус шаҳрининг грунт сувлари сатҳини пасайтириш бўйича муҳандислик-геологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

Нукус шаҳри шароити учун узунлиги 3,0; 5,0 ва 8,0 м, кўндаланг кесими турлича бўлган қозиклар ва кенглиги 1,0; 1,2; 1,4 ва 1,6 м ташкил қилувчи тасмасимон пойдеворларнинг юк кўтариш имкониятлари орасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

Нукус шаҳри ҳудудида босим интенсивлиги 50; 100; 150; 200; 250; 300 КПа бўлганда тасмасимон пойдеворларнинг чўкишининг ГАТ схематик хариталари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилигини, ўрганилаётган ҳудуд бўйича муҳандислик-геологик хариталарни тузишни, бинонинг чўкишини махсус миқдорий ҳисоб-китобларини амалга оширишни ва ер ости сувлари ҳаракатларини ҳисоб-китоб қилишни ишончлилиги ArcGIS, PLAXIS ва PMWIN 5.3 компьютер дастурлари билан таъминланганлиги билан, ҳамда, ер ости сувлари ҳаракатларини текширишда шаҳарнинг бурғи-қудуқлар билан қоплаган 153,6 км² ҳудудидаги 126 та бурғи қудуқларидан олинган гидрогеологик

маълумотларига ва қоқиладиган қоziқлар ва тасмасимон пойдеворлар асосини чўкишини, юк кўтара олиш имкониятини ҳисоблашда 494 та грунт намуналарининг физик-механик хоссаларини таҳлилий маълумотларига таянганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотлар натижаларининг илмий аҳамияти, Нукус шаҳрининг шўрланган грунтда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва фойдаланишнинг муҳандислик-геологик илмий асосларини яратиш, грунтлар ва ер ости сувларининг шўрланиши, тасмасимон ва қоziқли пойдеворларнинг юк кўтариш имконияти, қоziқларнинг узунлигининг уларнинг юк кўтарувчанлик имкониятига боғлиқлик корреляцион боғлиқликларини ва бино чўкишини табиий кузатишлар маълумотларини, Нукус шаҳри шароитлари учун тасмасимон пойдеворларнинг чўкишининг схематик хариталари серияси, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг бошқа туманларида бино ва иншоотларни лойиҳалашни муҳандислик-геологик асослаш ҳамда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган методологик ёндашув Нукус шаҳрининг шўрланган грунтларида бино ва иншоотлар пойдеворларини ишончли ва тежамкор лойиҳалашга Нукус шаҳри қурилишининг бош режасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда, шунингдек техник-иқтисодий асослаш босқичидаги бино ва иншоотларни лойиҳалашга ҳамда Нукус шаҳридаги грунт сувлари сатҳини пасайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нукус шаҳри шўрланган грунтларида бино ва иншоотлар пойдеворларини лойиҳалашнинг ўзига хосликларини муҳандислик-геологик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нукус шаҳрининг шўрланиш схематик хариталари, шўрланган грунтлар учун ҳисоблаб чиқилган ҳар хил ўлчамдаги тасмасимон ва қоziқли пойдеворларни юк кўтариш қобилияти ва чўкиши бўйича тузилган компьютер ГАТ схематик хариталар ва кесимлар “Нукусгорландшафтпроект” МЧЖ лойиҳалаш институти фаолиятига жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2022 йил 1 августдаги 05-04/1113-сон маълумотномаси). Натижада, Нукус шаҳридаги биноларни капитал таъмирлашга ва реконструкция қилишда ишончли лойиҳа қарорларини қабул қилиш ва худудда қурилиш объектларини лойиҳалаш, техник-иқтисодий асослаш (ТИА) вақтини қисқартиришга имконият яратган;

PLAXIS компьютер дастури ёрдамида бажарилган бино чўкишини ҳисоблаш натижаларининг дала кузатувлари билан қиёсий таҳлили ва Нукус шаҳрининг турли муҳандислик-геологик шароитлари учун тасмасимон ва “плита” пойдеворларининг оптимал ўлчамларини қабул қилиш учун берилган асос, “Қурилишда, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастрида муҳандислик изланишлари” давлат лойиҳа-қидирув институтининг

Қорақолпоғистон филиали («O'ZGASHKLITI») фаолиятига жорий қилинган (Қорақолпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 1 августдаги 01-07/01-1531-сон маълумотномаси). Натижада, муҳандислик-геологик тадқиқотлар вақтини қисқартириш ва Нукус шаҳрида лойиҳалаш тизимининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

PMWIN 5.3 компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда Дўстлик канали ва Ачиқўл кўлининг Нукус шаҳарининг гидрогеологик шароитларига таъсирини аниқланиши натижада, Нукус шаҳрининг грунт сувларини пасайтириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялари “UzGIP” МЧЖ Қорақолпоғистондаги шўъба корхонасига жорий қилинган (Қорақолпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2022 йил 1 августдаги 01-07/01-1531-сон маълумотномаси). Натижада, Нукус шаҳрининг дренаж тизимининг самарадорлигини оширадиган лойиҳавий қарорларини қабул қилиш орқали иқтисодий самарадорликга эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар чоп қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан 8 та республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми – 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг республикада фан-техника тараққиётининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шўрланган грунтларнинг муҳандислик-геологик хоссалари тадқиқотларини таҳлили ва Нукус шаҳрининг шўрланган грунтларида бино ва иншоотларни қуриш муаммолари**» деб номланган биринчи бобида грунтларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш бўйича мавжуд тадқиқотлар натижалари ва таҳлили, бино ва иншоотлар пойдеворига сувда эрувчи тузларнинг таъсири ифодаланган. Эрувчи тузларнинг грунтларни физик-механик хоссаларига таъсир кўрсатувчи шўрланган

грунтларнинг геотехник экспериментал тадқиқотлари натижалари келтирилади. Бу уларнинг намланиши чоғида грунтдаги тузларнинг эриб чиқиши билан боғлиқ. Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, грунтларда туз миқдорини ортиши грунт сувларининг агрессивлигини ортишига олиб келади, бу эса ўз навбатида ер ости бетон конструкцияларни ва ер ости муҳандислик коммуникацияларни барвақт бузилишига олиб келади.

Нукусдаги гидрогеологик тадқиқот натижаларининг таҳлили 1960 йилдан бошлаб, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилганини кўрсатади. Маҳаллий қидирув корхоналарининг архив материаллари маълумотларига кўра, 1970 йилда грунт сувларининг сатҳи 2,0-5,0 м бўлгани ҳолда минерализацияси 1,7 г/л ташкил қилган, 1986 йил сув сатҳи 0,3-2,0 м гача кўтарилган, минерализацияси ўртача 18,0 г/л га, баъзи ҳолларда эса 32,0 г/л гача етган. Агар 1960 йили грунт сувларининг сатҳи ўртача 4,0 м ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда сатҳи 2,0 м гача кўтарилган. Бу грунтларни шўрланишига ва грунт сувларининг агрессивлигини ортишига олиб келди, шу сабабли Нукус шаҳри биноларининг пойдеворлари ва деворларининг бузилиши содир бўлган.

Бинолар пойдеворлари ва деворларининг бузилиш даражасини баҳолаш мақсадида, Нукус шаҳри бино ва иншоотларини кузатиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган. Кузатув натижалари шаҳарнинг турли қисмларида қурилган бино ва иншоотлар пойдеворлари ва деворлари агрессив шўрланган грунт сувлари таъсирида бузилганлигини кўрсатди.


Нукус шаҳридаги айрим бино ва иншоотларни текширишлар таҳлилининг кўрсатишича, уларнинг пойдеворлари ва деворларининг барвақт бузилишига сабабларидан бири бўлиб, грунт сувларининг агрессив таъсири ҳисобланади. Нукус шаҳри ҳудудидадаги бино ва иншоотларни куриш масалаларига тегишли бўлган грунтларнинг шўрланганлигини ҳисобга олишга оид тадқиқотлар амалда тизимли тарзда ўтказилмаган.

Диссертациянинг иккинчи «**Нукус шаҳри грунтларининг шўрланганлигини муҳандислик-геологик баҳолаш**» деб номланган бобида грунтларнинг Нукус шаҳри ер ости суви сатҳига қадар шўрланишини тадқиқ қилиш натижалари келтирилади. Тадқиқотлар билан юзаси 222 км² бўлган Нукус шаҳрининг бутун ҳудуди қамраб олинган.

Тузларни тарқалиш қонуниятларини баҳолаш ва бино ва иншоотларнинг ер ости қисмларига салбий таъсир кўрсатувчи туз турларининг аниқлаш учун Қорақалпоғистон Геология ва табиий фанлари ИТИ лабораториясидаги мавжуд маълумотлар ва тадқиқот натижаларидан фойдаланган ҳолда, Нукус грунтларининг шўрланиш харитаси тузилган.

Тузларнинг тарқалиш қонуниятини баҳолаш учун 1:50000 масштабдаги рақамлаштирилган харитада шўрланиш аниқланган нуқталар координаталари белгиланди. Хариталар ArcGIS компьютер дастури ёрдамида тузилган. 1-расмда шўрланганликни сифат ва сонли характерини ифодаловчи, грунтларнинг ер ости сувигача ва грунт сувларига қадар шўрланганлиги


ифодаланган бўлиб, улар шўрланишнинг миқдорий тавсифланишини акс эттиради. Шунингдек, грунтлардаги сульфат, хлорид ва гидрокарбонатли тузларнинг миқдорлари бўйича схематик харитаси ҳам тузилган. Сульфат, хлорид ва гидрокарбонатли тузларнинг миқдорларига оид шу каби схематик хариталар грунт сувлари учун ҳам тузилган. Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатиши бўйича шаҳар худуди грунтлари асосан, хлорид-сульфатли ва сульфатли турда шўрланишга оид бўлиб, фақат шаҳарнинг унча катта бўлмаган қисмигина сульфатли-хлоридли ва хлоридли турда шўрланган. Грунтларнинг шўрланиши 42,5 г/кг гача. Шу билан бирга, Дослик каналининг ўнг қирғоғи грунти чап қирғоғи кўрсаткичларига нисбатан 3-10 карра ортиқ шўрланган. Хариталарни таҳлил қилиш, грунтлар ва ер ости сувлари шўрланиши бўйича бетонга таъсири жиҳатидан агрессив шўрланиш турига тегишлилигини кўрсатади. Шу билан бирга 35,0 м чуқурликгача бўлган грунтларнинг шўрланишини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.




1-расм. Нукус шаҳридаги грунтларнинг шўрланиш (а) ва грунт сувларининг шўрланиш (б) схематик хариталари (Тузувчилар: И.К.Аимбетов, Р.Т.Бекимбетов 2020й.). 1-темир йўл; 2-автомобил йўллари; 3-сув йўли; 4-сув; 5-кудуқлар; а) 6-шўрланмаган; 7-кам шўрланган; 8-ўртача шўрланган; 9-кучли шўрланган; 10-ўта кучли шўрланган; б) 6 – <1г/л; 7 -1-3г/л; 8 – 3-10г/л; 9 ->10 г/л.

Диссертациянинг учинчи «Нукус шаҳри шўрланган грунтларини ҳисоблаб аниқланадиган қаршилигини ва қозикли пойдеворларнинг юк кўтариш қобилияти бўйича муҳандислик-геологик районлаштириш» деб номланган бобида, Нукус шаҳрининг 1,0 м чуқурликда жойлашган шўрланган грунтларнинг ҳисоблаб аниқланадиган қаршилиги ГАТ схематик харитасида ифодаланган. Бу чуқурликни олиш сабаби, шаҳарда бинолар

пойдевори асоси 1,0 м яқин чуқурликда лойихалаштирилиши билан боғлиқ. Грунтларнинг юк кўтариш қобилиятини баҳолаш учун пойдевор остидаги унча чуқур бўлмаган қатламдаги грунтнинг ҳисоблаб аниқланадиган қаршилиги формуласидан фойдаланилди [КМК 2.02.01-98 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бино ва иншоотлар асослари», 5-8 б.]. Грунтларнинг ҳисоблаб аниқланадиган босим қийматлари шўрланиш аниқланган грунтлар нуқталари учун ҳисобланган. Тасмасимон пойдеворларнинг кенглиги ўлчамини ҳисоблаб аниқланадиган босим қийматига таъсирини баҳолаш мақсадида кенглиги 1,0; 1,2; 1,4; 1,6 м бўлган пойдеворлар учун амалга оширилган. Ҳисоб-китоб натижалари бўйича грунтларнинг ҳисоблаб аниқланадиган босимнинг схематик хариталари ArcGIS компьютер дастури ёрдамида тузилган. 2-расмда пойдевор асоси 1,0 м чуқурликда жойлашган турлича кенгликдаги тасмасимон пойдевор асоси қатламидаги босимга ҳисобий қаршиликларнинг ГАТ схематик харитаси ифодаланган. Ушбу харитани таҳлили кўрсатадики, 1,0 м чуқурлик учун энг мустаҳкам грунтлар шаҳарнинг жанубий ва шимолий қисмида жойлашган.



2-расм. Кенглиги ва чуқурлиги 1,0 м тасмасимон пойдевор учун грунтнинг босимга ҳисобий қаршилигини схематик-харитаси. (Тузувчилар: И.К.Аимбетов, Р.Т.Бекимбетов 2020й.). 1-темир йўл; 2-йўллар; 3-сув йўли; 4-сув; 5-кудуклар. Ҳисобий қаршилиги: 6 – 20-25 т/м²; 7 – 25-30 т/м²; 8 – 35-40 т/м²; 9 – 40-45 т/м²; 10 – 45-50 т/м²; 11 – 50-55 т/м²; 12 – 55-70 т/м².




3-расм. Кенглиги 1,2 м тасмасимон пойдевор учун 300 КПа босим таъсирида чўкиш схематик харитаси (Тузувчилар: И.К.Аимбетов, Р.Т.Бекимбетов 2020 й.). 1-темир йўл; 2-йўллар; 3-сув йўли; 4-сув; 5-кудуклар. Босим таъсирида чўкиши: 6 – 40 - 50 мм; 7 – 50 – 60 мм; 8 – 60 - 70 мм; 9 – 70 – 80 мм; 10 – 80 – 120 мм; 11 – 120 – 210 мм.

Ушбу харитани шўрланиш хариталари билан қиёслаб таҳлил қилиш, ҳудуддаги юк кўтариш қобилияти юқори бўлган грунтларда сульфатга

чидамли цементда тайёрланган бетонларга агрессивлиги пастроқ бўлган тузлар мавжуд бўлишини кўрсатади. Шу каби схематик хариталар кенглиги 1,2; 1,4; 1,6 м бўлган тасмасимон пойдеворлар учун ҳам тузилган. Бундай пойдеворлар учун Нукус шаҳри ҳудудини 1,0 м чуқурликда жойлашган грунтларнинг юк кўтариш қобилияти бўйича районлаштириш амалга оширилган. Ушбу хариталар Нукус шаҳрида биноларни жойлаштиришдан келиб чиққан ҳолда пойдеворларнинг кенглиги ўлчамларини олдиндан белгилаш имконини беради.

Шаҳарнинг шунга ўхшаш нуқталарида пойдевор асосига 50; 100; 150; 200 ва 250 КПа босимда пойдеворларнинг чўкиши ҳисоб-китоб қилинган. Ҳисоблаш натижалари бўйича ГАТ схематик хариталари ArcGIS компьютер дастури ёрдамида тузилган. 3-расмда пойдевор асосига, 300 КПа босим остида тасмасимон пойдевор чўкишининг ГАТ схематик харитаси ифодаланган. Ушбу хаританинг таҳлили, камроқ деформацияланадиган грунтлар шаҳарнинг жанубий ва шимолий қисмларида жойлашганлигини кўрсатади. Шу каби ГАТ схематик хариталар пойдевор асосига 50; 100; 150; 200 ва 250 КПа босимда таъсир кўрсатиладиган ҳолатлар учун ҳам тузилган.



4-расм. Пойдевор чўкишининг босимга боғлиқлиги (пойдевор асоси остидаги грунт - кум).

Кейинги йилларда Нукус шаҳрида баланд биноларни қуриш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, "Нукус сити" комплексидаги биноларнинг қавати 16 қаватни ташкил қилади. Ҳозирда юқори қаватли биноларни маълум жойларда қуриш усули амалга оширилмоқда. Маълумки, кўп қаватли биноларни қуришда қозиқли пойдеворлар қўлланилади. Нукус шаҳрининг бош режасини оптимал кўп қаватли бинолар билан ривожлантириш мақсадида, қозиқларнинг юк кўтариш қобилияти бўйича шаҳар ҳудудини районлаштириш ишлари амалга оширилган.

Қозиқли пойдеворларнинг юк кўтариш қобилиятини баҳолаш учун муҳандислик-геологик изланишларнинг архив материаллари асосида, Нукус шаҳрининг турли нуқталари учун осма қозиқли пойдеворларнинг юк кўтариш қобилиятлари ҳисоблаб чиқилган. Ҳисоб-китоблар шўрланганлиги аниқланган барча нуқталар учун амалга оширилган. Грунтлар бўйича осма қозиқларнинг юк кўтариш қобилиятини баҳолаш учун формулалардан [КМК

2.02.01-98, 12-16 б.] фойдаланилган. Ҳисоб-китоблар қуйидаги геометрик ўлчамлардаги қозикли пойдеворлар учун амалга оширилган: узунлиги 3,0; 5,0 ва 8,0 м; кўндаланг кесми: 25×25; 30×30 ва 40×40 см. Қозикларни грунтлар бўйича юк кўтариш қобилиятини ҳисоблаш натижаларига кўра, грунт бўйича қозикларнинг юк кўтариш қобилиятини босимга боғлиқлиги чизиқлига яқин тавсифга эга. Кўндаланг кесими 25×25 см бўлган қозиклар бундан мустасно. Ушбу боғлиқликлардан қозикларнинг юк кўтариш қобилиятлари бўйича дастлабки баҳолаш ишларида фойдаланиш мумкин.


Ҳисоб-китоб натижалари бўйича ArcGIS компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда, турли геометрик ўлчамдаги қозикли пойдеворларнинг юк кўтариш қобилиятларининг схематик хариталари тузилди. Кўндаланг кесими турлича, узунлиги 3,0; 5,0 ва 8,0 м бўлган осма қозикли пойдеворлар учун энг катта, ўртача, энг кичик қийматлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Қокилувчи қозикли пойдеворларнинг юк кўтариш қобилияти (кН)

Қийматлари	Кўндаланг кесими								
	40×40 см			30×30 см			25×25 см		
	Қозик узунлиги, м								
	3,0	5,0	8,0	3,0	5,0	8,0	3,0	5,0	8,0
Энг юқори, кН	265,8	379,4	552,8	164,1	244,8	377,8	122,1	187,4	314,8
Энг кичик, кН	4,9	30,1	55,8	3,7	22,6	41,9	3,1	18,8	34,9
Ўртача, кН	49,0	125,3	228,2	35,8	92,7	169,8	29,4	76	141

Диссертациянинг тўртинчи «**Бино чўкишининг дала кузатиш натижаларини миқдорий ҳисоб-китоблар билан қиёслаш таҳлили ва пойдеворларни агрессив ер ости сувларидан ҳимоялаш**» деб номланган бобида «PLAXIS 3D Foundation» геотехник комплекс дастуридан фойдаланган ҳолда, плитали пойдеворнинг чўкишини табиий кузатиш натижаларини чекли элементлар усули (ЧЭУ) ёрдамида олинган натижалар билан қиёслаш таҳлили келтирилган. Тадқиқотлар Нукус шаҳрида қурилаётган беш қаватли тузар жой қурилиши мисолида ўтказилган. Бино баландлиги 18,0 м, майдони 768 м², девори ғиштдан, бостирма ва қопламалар баландлигида яхлит антисейсмик камарлар кўзда тутилган. Пойдеворни жойлаштириш чуқурлиги -1,0 м. Пойдевор тури – баландлиги 0,4 м бўлган плита. Пойдеворнинг чўкиш ҳисоб-китоби плитали пойдевор, шунингдек кенглиги 1,2; 1,4 ва 1,6 м бўлган тасмасимон пойдевор учун олинган. 5-расмда табиий кузатиш натижаларининг лойиҳада қабул қилинган плитали пойдеворнинг ҳисоблаб топилган чўкишларга мос келиши кузатилади. Ҳисоб-китоблар лойиҳада қабул қилинган пойдеворда материаллар ортиқча сарфланиши мумкинлигини кўрсатди.

6-расмда келтирилган ҳисоб-китоблар натижаларининг таҳлили, ҳисоб-китобларининг барча вариантлари учун чўкишларнинг босимга боғлиқлиги чизиқли тавсифга эга бўлишини кўрсатади. Бундай ҳолат табиий кузатишлар натижаларида ҳам кузатилади. Чўкишларни босимга чизиқли боғлиқлигининг кўрсатишича, грунт ушбу босимлар доирасида зичлашиш босқичида жойлашган. Турли кенгликка эга бўлган тасмасимон пойдеворларни миқдорий ҳисоб-китоб қилиш натижаларига кўра, пойдевор кенглиги катталашини билан чўкиш ортиб боради. Беш қаватли бинонинг плитали пойдевори чўкишининг миқдорий ҳисоб-китоб қилиш натижалари тасмасимон пойдеворларнинг чўкиши плитали пойдеворларга нисбатан сезиларли даражада кичик бўлишини исботлайди, бу пойдевор остидаги грунт массиви актив зонасининг чуқурлиги билан боғлиқ.



5-расм. Пойдеворлар чўкишининг босимга боғлиқлиги

Ашикул кўлининг таъсирини баҳолаш учун MODFLOW компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда, махсус ҳисоб-китоблар бажарилган, чунки Дарси ламинар фильтрацияси қонунига асосланган, литологик жиҳатдан турлича бўлган грунтлар жойлашган участкада ҳозирги вақтда фойдаланилаётган сувнинг ҳаракатланишини аниқлашнинг аналитик усуллари жуда мураккаб ҳисобланади.

Грунт сувлари ҳаракатини миқдорий ҳисоблаш натижалари, Ашикул кўли табиий туз тўплагич ва дренаж эканлигини маълум қилади. Унинг шўрланиши ўртача 28г/л ташкил этади. Грунт сувларининг шўрланиши 3,4-6,5 г/л ташкил қилади, шу билан бирга Ашикул кўлига яқинлашган сари грунт сувлари минерализациясининг ортиб бориши кузатилади. Бу эса Нукус шаҳрининг тадқиқ қилинган ҳудуди тупроқлари шўрланишининг асосий сабабчиси – грунт сувларининг кўтарилишини аниқлатади.

Грунт сувлари минерализациясини тадқиқ қилиш натижалари, тадқиқот нуқталарининг Дослик каналига яқинлашган сари тузлар миқдорининг камайишини кўрсатади, канал сувининг умумий минерализацияси 1,5 г/л яқин. Тадқиқ қилинган ҳудуднинг грунт сувлари оқимининг йўналиши аниқланган. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатиши бўйича ер ости сувлари оқими

Ашикул кўли томон йўналган, буни грунт сувлари сатҳини пасайтиришга доир чора-тадбирларни қабул қилишда эътиборга олиш зарур.

Нукус шаҳри бинолари пойдеворларини қуришда асосан, ГОСТ 10178-Х5 бўйича портландцемент асосида тайёрланган бетон қўлланилади. Грунтларнинг пойдеворларга кўрсатадиган агрессивлик даражасини баҳолаш учун, грунтларни мазкур марказдаги бетонга агрессив таъсир кўрсатиш даражаси бўйича, шаҳарнинг схематик харитаси тузилган.


ба-расмда грунтларнинг ГОСТ 10178-Х5 бўйича портландцемент асосида тайёрланган бетонларга агрессив таъсир кўрсатиш даражаси бўйича шўрланишининг схематик харитаси (ГССга қадар) келтирилган, уни таҳлилининг кўрсатишича шаҳар ҳудудида агрессив бўлмаган, агрессив, агрессивлиги паст, ўртача агрессив ва агрессивлиги кучли бўлган грунтлар мавжуд.

бб-расмда грунтларни ГОСТ 10178-Х5 бўйича портландцемент асосида тайёрланган бетонларга нисбатан агрессив таъсир кўрсатиш даражаси бўйича шаҳар ҳудудининг фоизлардаги нисбатларини кўрсатувчи график келтирилган. Ушбу графикнинг таҳлили шаҳар ҳудудининг катта қисми (63,3%) ўртача агрессив турдаги шўрланишга тегишли, фақат 8,7 фоиз ҳудудгина агрессив бўлмаган турга оид, яъни шаҳар ҳудуди грунтларининг 90 фоизи у ёки бу даражада шу марказдаги бетонларга нисбатан агрессив таъсир қилувчи ҳисобланади. Энг агрессив майдонлар табиий ва сунъий дренаж мавжуд бўлмаган ҳудудларда, шунингдек суғориш сувлари яхши дренаж қилинмайдиган жойлардаги экин майдонларини жадал суғориш амалга ошириладиган ҳудудларда жойлашган.

Грунтларнинг агрессивлик даражасини, уларнинг турига боғлиқлигини таҳлил қилишда, бирор бир қонуниятни аниқлашнинг имкони бўлмади. Буни тасдиқлаш учун бб-расмда диаграммалар келтирилган, улар грунтларни ГОСТ 10178-Х5 бўйича портландцемент асосида тайёрланган бетонларга нисбатан агрессив таъсир кўрсатиш даражаси бўйича фоизларда тақсимланишини кўрсатади. Диаграммалар энг агрессив грунтларнинг сунъий ва табиий дренаж мавжуд бўлмаган ҳудудларда жойлашини тасдиқлайди.

Пойдевор атрофидаги грунтларнинг шўрланиши грунт сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида тузларнинг чуқурликдаги грунт қатламларидан ер юзасига миграцияланиши ҳисобига ортиб боради. Шаҳар грунтларининг литологик таркибини аниқлаш учун айрим участкаларда анча чуқурда жойлашган грунтлар ўрганилган. Шаҳарнинг айрим участкалари бўйича литологик кесимлар тузилган бўлиб, уларга кўра 5-10 м чуқурликда бўр ётқизиклари жойлашган. 40 м гача бўлган чуқурликда жойлашган грунтлар шўрланишини баҳолаш мақсадида ушбу грунтларнинг шўрланганлиги ва литологик таркиби ўрганилган, уларнинг натижаларига кўра ўрганилган 40,0 м чуқурликдаги бўр ва аллювиал ётқизиклар бетонга таъсир кўрсатиши бўйича агрессив тузлар билан шўрланган.

Диссертациянинг ушбу бобида Нукусда олиб борилган кўп йиллик гидрогеологик кузатишларнинг натижалари баён этилган. Масалан, ер ости сувлари максимал сатҳи вегетация даврида, яъни шаҳардан оқиб ўтувчи магистрал суғориш каналлари суви максимал сарфланиши чоғида кузатилади.



6-расм. ГОСТ 10178-X5 бўйича портландцемент асосида тайёрланган бетонларга нисбатан агрессив таъсир кўрсатиш даражаси бўйича харита-схема (а) ва Нукуснинг турли грунтларини фойзаларда тақсимланиши (б). (Составили И.К.Аимбетов, Р.Т.Бекимбетов 2022г). 1-агрессив бўлмаган; 2-кам агрессив; 3-ўртача агрессив; 4-кўчли агрессив; 5-қудуқлар; 6-супесь; 7-суглинок; 8-кум; 9-глина; 10-профил

Бино ва иншоотлар пойдеворларини агрессив ер ости сувларидан ҳимоялаш бўйича тавсиялар берилган. Бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда девор олди ва қатлам дренаж тизимларини кўзда тутиш тавсия қилинади. Шу билан бирга шаҳар грунтларининг литологик таркибини ҳисобга олган ҳолда, янги инновацион дренаж тизимини лойиҳалаш, шунингдек Нукус шаҳрининг табиий ер ости дренаж йўллари эпилишига йўл қўймаслик лозимлиги эътироф этилган.

ХУЛОСА

1. Шўрланган грунтлар бўйича мавжуд экспериментал тадқиқотлар натижаларининг таҳлили эрувчи тузлар грунтларнинг физик-механик хоссаларига таъсир этиши, грунтлар ва грунт сувларининг агрессивлигини оширишни кўрсатди, буни бино ва иншоотларни лойиҳалашда ҳисобга олиш зарур. Нукус шаҳридаги бино ва иншоотларни кўздан кечириш шуни кўрсатдики, бино ва иншоотлар пойдеворлари ва деворларини емирилишининг асосий сабабчиси бўлиб грунтлар ва грунт сувларининг агрессивлиги ҳисобланади.

2. Нукус шаҳри грунтларининг шўрланганлигини муҳандислик-геологик районлаштириш, шаҳар ҳудудининг грунтлари асосан, хлорид-сульфатли ва сульфатли турда шўрланишга тегишли бўлиб, фақат шаҳарнинг унча катта бўлмаган қисми сульфат-хлоридли ва хлоридли турга оид шўрланишга эга эканлигини кўрсатди. Шаҳар грунтининг шўрланганлиги 42560 мг/кг гача. Шу билан бирга Дўстлик каналининг ўнг қирғоғи чап қирғоғига нисбатан 3-10 марта ортиқ шўрланганлиги кузатилади. Бу шу ҳудудда коллектор дренаж тармоғининг мавжуд эмаслиги ва иккита канал суви оқиб ўтиши билан боғлиқ бўлиб, улар ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келади, натижада эса грунтларни кўшимча шўрланиши юзага келади. Грунтлар ва грунт сувлари шўрланиши бўйича агрессив турга тегишли. Нукус шаҳрининг гидрогеологик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ер ости сувларида эрувчан тузлар миқдори 254 дан 32500 мг/л гача ўзгариб туради. Фақат Дўстлик каналининг ўнг соҳилидаги кичик майдон 5143,6 дан 12215 мг/л гача шўрланишга эга. Шаҳарнинг шўрланишга эга бўлган энг катта майдони 2677,7-5143,54 мг/л. Шўрланишга эга бўлган ҳудуднинг 20% га яқини – 1518-1817 мг/л. Ер ости сувларининг минимал шўрланиши 254-1113 мг/л.

3. Нукус шаҳри бинолари чўкишининг муҳандислик-геологик районлаштириш, пойдевор остидаги қатлам супесьлар, суглиноклар ва гил бўлганда пойдеворни чўкиши энг кичик бўлишини кўрсатди. Пойдевор асоси кумдан иборат бўлганда, пойдеворнинг чўкиши йўл кўйилиши мумкин бўлганидан ҳам кўп, яъни пойдевор асосидаги босим грунтнинг ҳисоблаб аниқланадиган қаршилигига тенглашганига қадар чўкади. Пойдеворнинг асос қатламининг супесьлардан иборат бўлиши, энг маъқул пойдевор асоси ҳисобланади.

4. Нукус шаҳридаги осма қозик пойдеворларни юк кўтариш қобилиятини муҳандислик-геологик районлаштириш, қозикли пойдеворнинг юк кўтариш имконияти қозикли пойдеворнинг узунлиги ва кўндаланг кесимига боғлиқ бўлиб, ўртача қиймати 3,1 дан 552,8 кН ораликда ўзгаришини кўрсатди. Қозикли пойдеворнинг юк кўтариш имкониятининг фарқ қилиши грунтларнинг физик-механик хоссаларининг турличалигига боғлиқ. Ҳисоб-китоб натижаларига кўра қозикли пойдеворни юк кўтариш имкониятини унинг узунлигига боғлиқлиги чизиқлига яқинлашади, яъни аппроксимацияланади. Шу билан бирга боғлиқликнинг қозикли пойдевор узунлиги ўқи томон кучсиз қавариб бориши кузатилади.

5. Нукус шаҳри бино пойдеворлари чўкишининг миқдорий ҳисоб-китоблари ва табиий кузатиш натижаларини қиёслаш таҳлили табиий кузатиш натижаларини PLAXIS дастури ёрдамида олинган сонли натижаларга мос келишини кўрсатди. Турлича кенгликдаги тасмасимон пойдеворлар устида олиб борилган миқдорий ҳисоб-китоблар натижалари,

пойдевор кенглиги ортган сари чўкишнинг ортиб боришини кўрсатади. Бу пойдевор кенглиги ортган сари чуқурлик бўйича чўкишнинг камайиб бориши чуқурлигининг ортиши билан боғлиқ. Беш қаватли бинонинг плитали пойдевори чўкишининг миқдорий ҳисоб-китоб қилиш натижалари тасмасимон пойдеворларнинг чўкиши плитали пойдеворларга нисбатан сезиларли даражада кичик бўлишини исботлайди, бу пойдевор остидаги грунт массиви актив зонасининг чуқурлиги билан боғлиқ.

6. Грунт сувлари минерализациясини тадқиқ қилиш натижалари, тадқиқот нуқталарининг Дўстлик каналига яқинлашган сари тузлар миқдорининг камайишини кўрсатади, канал сувининг умумий минерализацияси 1,5 г/л яқин. Ҳисоб-китоблар кўрсатганидек, ер ости сув оқимлари Ашикўл кўлига йўналтирилади, бу эса ер ости сувлари сатҳини пасайтириш чораларини кўришда ҳисобга олиниши керак.

7. Шаҳар ҳудудининг катта қисми (63,3%) ўртача агрессив турдаги шўрланишга тегишли, фақат 8,7 фоиз ҳудудгина агрессив бўлмаган турга оид, яъни шаҳар ҳудуди грунтларининг 90 фоизи у ёки бу даражада шу маркадаги бетонларга нисбатан агрессив таъсир қилувчи ҳисобланади. Энг агрессив майдонлар табиий ва сунъий дренаж мавжуд бўлмаган ҳудудларда, шунингдек суғориш сувлари яхши дренаж қилинмайдиган жойлардаги экин майдонларини жадал суғориш амалга ошириладиган ҳудудларда жойлашган. Тузларнинг агрессив таъсирини олдини олиш учун муҳандислик-геологик ва гидрогеологик шароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек Ачикўл кўлининг гидрогеологик шароитларга таъсирини ҳисобга олган ҳолда шаҳарнинг янги инновацион дренаж тизимини лойиҳалаш керак.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И
ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК КАРАКАЛПАКСКОГО
ОТДЕЛЕНИЯ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

БЕКИМБЕТОВ РУСЛАН ТУРСИНБАЕВИЧ

**ОСОБЕННОСТИ ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКОГО
ОБОСНОВАНИЯ ПО ПРОЕКТИРОВАНИЮ ФУНДАМЕНТОВ
ЗДАНИЙ И СООРУЖЕНИЙ НА ЗАСОЛЕННЫХ ГРУНТАХ
ГОРОДА НУКУСА**

04.00.04 – Гидрогеология и инженерная геология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2022.3.PhD/Т3012.

Диссертация выполнена в Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.hydroengeo.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Аимбетов Иззет Каллыевич,

доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты:

Каюмов Абдубаки Джалилович

доктор технических наук

Тошхужаев Алишер Улхужаевич

кандидат технических наук (PhD)

Ведущая организация:

Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в «___» часов на заседании разового Научного совета на основе Научного Совета DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 при Институте гидрогеологии и инженерной геологии по адресу: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Института гидрогеологии и инженерной геологии (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru

Автореферат диссертации распространен _____ 2022 года.

(Протокол реестра № _____ от «___» _____ 2022 года).

С.А. Бакиев

Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней,
докт. г.-м. н. профессор

М.Р. Жўраев

Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней,
канд. г.-м. н.(PhD)

И.Х. Хабибуллаев

Председатель разового Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, докт. техн. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В засушливых странах мира отсутствие рационального использования водных ресурсов приводит к засолению почво-грунтов, что наносит существенный ущерб экономике стран и привлекает особое внимание мирового научного сообщества в различных областях, включая инженерную геологию и строительство. Увеличение объемов строительства уникальных, по инженерному решению высотных зданий, подземных сооружений и крупных промышленных объектов, при их размещении, выборе метода строительства с учетом природных условий требует выбрать наиболее оптимальные проектные решения с учетом прогноза негативных инженерно-геологических процессов, а так же следует принять мероприятия для предотвращения этих процессов. Это является актуальной задачей научно-исследовательских сообществ развитых стран мира при разработке проектов инженерно-геологических изысканий, которые имеют большое научно-практическое значение.

В мировом масштабе проводится ряд научных исследований, которые связаны с инженерно-геологическим обоснованием особенностей проектирования фундаментов зданий и сооружений. В исследованиях особое внимание уделяется повышению надежности и прочности зданий, сооружений строящихся на засоленных грунтах; оценке влияния солей на физико-механические свойства грунтов, определению негативного влияния солей на строительные материалы; защите подземной части сооружений от агрессивного влияния солей; разработке методов определения механических свойств засоленных грунтов; районированию засоленных территорий; разработке рекомендаций для надежного проектирования, строительства и эксплуатации зданий, сооружений на засоленных грунтах.

В ряде регионов нашей страны, где осуществляется проектирование фундаментов, проведены исследования по оценке инженерно-геологических и гидрогеологических условий, в результате которых получены определенные результаты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан были "...строительства дешевого жилья в городах и сельской местности..."² определены важные функции. В связи с этим важное научное значение имеет оценка инженерно-геологических характеристик исследуемой территории и изменения состояния подземных вод, определение физико-механических свойств грунтов, категоризация территории по инженерно-геологическому обоснованию проектирования фундаментов зданий и сооружений.

Данная диссертация в определенной степени служит выполнению задач, порученных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года ПФ-4947 "О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан, ПФ-2731 от 18 января 2017 года "О государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 годы", предложенной президентом Республики Узбекистан на пленарном заседании 75-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН об объявлении региона Приаралья зоной экологических инноваций и технологий, а также реализации задач, поставленных в других нормативных документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с требованиями приоритетного направления развития Республиканской науки и техники VIII "Науки о Земле (Геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)".

Степень изученности проблемы. Научные исследования, посвященные решению проблем строительства зданий и сооружений на засоленных почвах, широко изучались известными научными центрами и высшими учебными заведениями по всему миру. В том числе: зарубежных странах вопросами влияния солей на физико-механические свойства грунтов и вопросами преждевременного износа подземных бетонных конструкций под агрессивным влиянием солей посвящены исследования E.E.Alonso, S.Olivella, K.H.Lux, Z.Hou, W.G.Liang, C.H.Yang, Y.S.Zhao, E.Agudo, F.Mees, P.Jacobs, M.Angeli, J.P.Bigas, D.Benavente, F.Netterberg, P.Loudon, T.Schulze, H.K.Popp, Trevor, F., P.W.Mayne, W.Wu, C.H.Yang, Z.Hou, S.A.Naeiny, M.A.Jahanger, A.Monshi, Б.Б.Бакенов, Н.В.Бойка, О.Р.Жумашев, З.Г.Тер-Мартиросян, В.П.Петрухин. В Узбекистане исследования по решению этих вопросов посвящены работы Г.А. Мавлянова, Е.Д.Рождественского, Л.Б.Смолиной, С.М.Касымова, И.К.Аимбетова, А.Д.Каюмова, Л.З. Шерфетдинова, И.А.Агзамовой, Р.М.Худойкулова и других.

В результате исследований разработаны технологии по моделированию инженерно-геологических и гидрогеологических условий города Нукуса, определены рекомендации проектирования фундаментов зданий и сооружений в инженерно-геологических условиях Каракалпакстана.

